

## Аллохга таваккал!

«وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ»

**«...Ким Аллохга таваккал килса, бас, (Аллохнинг) Ўзи унга Етарлидир...»**

(Талок сураси: 3)

*Бисмиллахир рохманир рохим*

Аллох таолога чексиз хамду санолар, Унинг пайгамбари Мухаммад, ахли байти, сахобалари хамда тобииналарга кўпдан-кўп дуруду салавотлар бўлсин!

Кейин...

**«Аллохга таваккал килдим».**

• **Аввало ушбу калиманинг маъноси:**

Ушбу калимани кўпчилик айтади. Уни тил билан айтилсада аслида у калб амалларидандир. Баъзилар тонгда, баъзилар окшом айтади. Умуман олганда хамма хар хил холатда айтади. Бирок, бу сермазмун калиманинг маъносини озчилик тушунади. Мана шу тушунганлардан хам озчилиги уни оддийгина айтилинган сўзлик даражасидан, ўзи билан Аллох таолонинг ўртасидаги кучлик алока воситаси – узилмас ришта даражасига кўтара олади.

**Таваккал ўзингни барча ишларингда Аллох таолога топширмогинг. У Аллох таолога ишонч ва Унинг кудрати, куввати ва илмига бўлган иймондир. Демак у комил суратда Аллох субханаҳу ва таолога суюнишdir. Бунинг самараasi эса, Аллох таолонинг баъзи исм ва сифатларига амалий равишдаги комил иймондир.**

Шунинг учун хам Имом Ибн ал-Кайим айтадилар: «Таваккал диннинг ярми, иккинчи ярми эса, инобат — Аллохга кайтмок (икбол этмок) – Унга тавба килмоқдир. Зеро дин Аллохга ибодат, Унинг Ўзидангина ёрдам сўрашдир. Таваккал Аллохнинг Ўзидангина ёрдам сўраш, инобат эса ибодатдир». (Мадорижус-соликийннинг сайланмаси: 336-сахифа) Демак, Аллох таолонинг Ўзидангина ёрдам сўрамогинг заифлигингни, (келажакни) билмаслигингни тан олмогинг хамда У Буюк Зотнинг илмига, кудратига иймон келтириб, Унга бўйин эгиб, Ундан куч-кувват талаб килиб, У Зотни яхши кўрмогинг – буларнинг хаммаси Аллох субханаҳуга холис килинган ибодатлар жумласидандир.

- **Юсуф сурасидаги «...Бас, Шайтон у (Юсуф алайхиссалом)дан ўз Роббиси (Аллоҳ таоло)ни зикр килишни (ёдга олишини) унуттириди...» 42-оятнинг тахкики.**

Иbn ал-Каййим ушбу оят тафсирида шундай дейдилар: "Албатта, Аллоҳ таолонинг Юсуф алайхиссаломни бир-неча йил зинданда колиб кетишларига махқум этишлиги у зотнинг Аллоҳ таолодан ёрдам сўрашдан аввал, ўзлари каби бир инсондан ёрдам талаб килганликлари томонидан келди",— деган маънони кувватлайдилар. Юсуф алайхиссаломнинг ўзларидек бир инсондан ёрдам талаб килганликлари зиндандан кутулишилиги гумон килинган йигитга: "Мени роббинг(яъни, хожанг – подшох) хузурида ёдга олгин!", деган сўзларида намоён бўлади. Аллоҳ таолонинг: **«Бас, Шайтон у (Юсуф алайхиссалом)дан ўз Роббиси (Аллоҳ таоло)ни зикр килишни (ёдга олишини) унуттириди»** (ушибу маънони муфассирлардин Мужсоҳид ва Мукотилдан ривоят килинган), деган сўзининг шархи эса, "Шайтон Юсуф алайхиссаломни Хакикий, Буюк Роббисини зикр килиб, Унинг Ўзидангина ёрдам талаб килишини унуттириди. Натижада у зот ўзлари каби инсондан ёрдам талаб килдилар. **«Бас, (Юсуф алайхиссалом) бир неча йил зинданда колиб кетдилар».**

Аллоҳ субханаҳу ва таоло бандасининг Ўзидан бошкасидан ёрдам талаб килишини асло кабул килмайди. Зеро, Аллоҳ таолодан ўзга зот хар канча куч ва кудрату салтанат хамда хисобсиз куролли кучга эга бўлмасин, бари бир у харакати, интилишлари, хошиш-истаклари Аллоҳнинг кудрати ва иродаси остида бўлган заиф бир бандалигича колаверади.

- **Таваккалнинг хакикий – тўғри тушунчаси.**

Баъзилар таваккални нотўғри тушунадилар. Уларнинг гумонларича "таваккал" зохирий сабабларни хисобга олмаган холда ўзни ўту-чўкка уришдир. Бу эса, тартиб-интизом билан яратилган хаёт конунига зиддир. Зеро Аллоҳ таоло бу дунёдаги барча ишларни тартиб-интизом ва зохирий сабабларга boglik килиб яратган.

Зохирий сабабларни ушлаш хакикий таваккалга зид эмас, балки у таваккалнинг шартларидандир. Сиз зохирий сабабларни хамма нарса шунга boglik дейдиган даражада ушланг кейин Аллоҳга шундай таваккал килингки халиги сабабларнинг заррача ахамияти колмасин. Мисол килиб айтадиган бўлсак: сайёрангиз билан сафарга чикмокчи бўлсангиз, сиз уни обдон текширасиз, мойига, хавосига карайсиз шундай бўлсада сиз Аллоҳга, унинг хифзу-химоясига хамда тавфикига муҳтоҷ эканлигингизни хис киласиз ва: Эй парвардигор,

мен сенинг рахаматингга, хифзу-химоянгга мухтожман ўзинг бало-казолардан саклагин, Ўзингга таваккал килдим, деб йўлга тушасиз.

Бир киши кайсиdir нарсани тижорат учун шартта олса, эй Аллоҳ ўзингга таваккал килдим, Ўзинг хар ишга кодирсан деса, бу мўминнинг иши эмас. Мўмин бирор нарса билан тижорат кilmokchi бўлса бозорни, нарх-навони ўрганади, канакаси кетади, канчага тушадию, канчада сотилади. Шундан кейингина Аллоҳга таваккал килиб ишни бошлайди. Бошка барча соҳалар хам худди шу кабидир. Биз Аллоҳ таолонинг Марям сурасидаги: «(*Мана шу куриб колган) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар*» (Марям: 25),—деган, оятини ўкиб, унинг маъносига яхши эътибор берсак, ушбу хаёт зохирий сабабларга boglik холатда яратилган эканига яна бир бор амин бўламиз. Аллоҳ таоло Биби Марямга хеч кандай зохирий сабабсиз ризқ-насибаларини келтиришга кодир эди. Бирок У Буюк Зот, хаёт зохирий сабабларга boglik эканлигини билдириб кўйиш учун, тугуруқдан янги кутилган, унинг асаридан батамом фориг бўлиб ултурмаган Biби Марямга куриб коган бўлса хам хурмо дараҳтини силкитишига фармон килди. Бу билан Аллоҳ таоло Ўзининг кудрати ва муъжизасини намойиш этган бўлса, иккинчи томондан, яшаш учун зохирий сабабларни асло унунмасликка ишорат этади. Демак, Аллоҳга таваккал килган кишининг зохирий сабабларни амалда кўлламоги хакикий маънодаги таваккалга асло зид эмас. Балки, зохирий сабаблар билан бирга килинган таваккалгина хакикий – тўгри таваккал ва Аллоҳ таолонинг хаётдаги жорий конунидир.

Биз ушбу маънони Куръон оятлари ва пайгамбаримизнинг суннатларидан жуда кўп ўринда топишимиз мумкин. Келинг Анфол сурасидаги: «...(Эй Мухаммад алайхиссалом, уларнинг юзига кўлингиздаги бир сиким тупрокни) **отган пайтингизда, Сиз отмадингиз, балки Аллоҳ отди...**». (17-оят)ни ўкиб биргаликда таҳлил килайлик: Жиходлардан бирида пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва саллам кўлларига бир сиким тупрок олиб, уни кофирларнинг юзларига карата улоктириб, сепиб юборган эдилар. Ушбу тупрок зарралари кофирларнинг барчасининг кўзига кириб, бу хам галаба сабабларидан бири бўлган эди. Кўриб турибмизки: Аллоҳ субханаху ва таоло Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан мана шу сабабни яъни, кофирларнинг юзига бир сиким тупрокни улоктириб, сепиб юбориши ирова килди. Лекин хакикий нусрат бергувчи эса, У Аллоҳ таоло Ўзи эди. Шунинг учун хам, Аллоҳ таоло бир сиким тупрокни сиз отганингиз йўқ, Мен отдим деб миннат кilmokda. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам эса, Аллоҳга хакикий таваккал килганларидан кейин, зохирий

сабаблардан бирини, албатта бу Аллох томонидан бўладиган нусратга сабабдир деган холис нийят билан кўлладилар, холос.

Хаж кунларининг бирида Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анху бир жамоа камбагалларни кўриб колди ва уларга сизлар кимсиз деб сўз котди. Улар биз "таваккалчилармиз" дедилар. Умар: ёлгон сўзладинглар, таваккалчи ерга донни сепиб кейин Аллоҳга таваккал килган кишидир, дедилар. Бу каби мисолларни жуда кўп келтириш мумкин, бирок, бахсимиз киска бўлгани учун шуниси билан кифояланамиз.

#### • Таваккал ва бугунги кунимиз

Хозирги кунда биз мусулмонлар хакикий маънодаги таваккалдан анчагина йироклашган кўринамиз. Баъзиларимиз факатгина зохирий сабабларга каттик бoggаниб олиб нажот ва нусратни моддий, зохирий сабаблардангина кутмокдамиз, баъзиларимиз эса, таваккалнинг зохирий сабабларини асло кўлламай туриб хам, том маънодаги хакикий – тўгри таваккалга етиша оламиз деб ўйламокдамиз. Моддийлик галаба килган хозирги кунимизда кўпчилигимиз ушбу моддий хаётга каттик берилиб кетганимиз боис, таваккал ва шу каби улуг маънолардан четда колиб кетмокдамиз.

Аллоҳ таоло хаммаларимизни тўгри йўлга Ўзи хидоят этсин! Сухбатимизни пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва салламнинг таваккал хакидаги бир хадиси шарифлари билан якунламокка карор килдик:

((إِذَا خَرَجَ الرَّجُلُ مِنْ بَيْتِهِ فَقَالَ : بِسْمِ اللَّهِ ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ، قَالَ : يُقَالُ حِينَئِذٍ : هُدْيَتَ ، وَكُفِيتَ ، وَوُقِيتَ ، فَشَحِّي عَنْهُ الشَّيْطَانُ ، فَيَقُولُ لَهُ شَيْطَانٌ آخَرُ : كَيْفَ لَكَ بِرَجُلٍ قَدْ هُدِيَ ، وَكُفِيَ ، وَوُقِيَ ؟ )) .

«Кимки, уйдан чиккан пайтда: "Бисмиллахи таваккалту алаллоҳ ва ла хавла ва куввата иллаа биллах (маъноси: Аллохнинг номи билан (уйдан чиқдим), Унга таваккал килдим, куч ва кудрат факатгина Аллохнинг Ўзидандир) деб айтса", унга: "хидоятландинг, химояландинг ва кифояландинг яъни, кафолатландинг",— дейилади. Бас, буни эшитган Шайтон ундан узоклашади. Шунда иккинчи Шайтон унга айтади: "Батахкик хидоятланган, химояланган ва кафолатланган кишига сенинг учун кандай йўл бўлиши мумкин!"» (Яъни, уни сен кандай килиб адаштира олардинг, буни сира иложи йўк!) (Темизий ривоятлари)

Мана азиз ўкувчи ўзингиз кўриб турганингиздек, уйдан кўчага чикаётган киши Аллоҳга таваккал килиб, унинг ўзигагина суянган холда чикса, у албатта Аллоҳ таолонинг химоясида бўлиб, Шайтоннинг шарридан омонда бўлар экан. Аллоҳ таоло

[www.islamnuri.com](http://www.islamnuri.com)

хаммаларимизни хакикий равишда Ўзига таваккал килмогимизга  
муваффак айласин!

**ИНТ**

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган